БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (5678).

13

Апрель 1985 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида мамлакатда кўкламги экишга тайёргарлик ва унинг бориши тўғрисида министрлардан В. К. Месяц, Н. Ф. Васильев ва Госкомсельхозтехника раиси Л. И. Хитруннинг ахборотларини тинглади.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, бу йил вужудга келган об-ҳаво шароитлари кўкламги дала ишларини зўр уюшқоқлик билан энг кўп куч-ғайрат сарфлаб қисқа муддатларда ўтказишни талаб этади. Шундай шароитда кўкламги экиш ишларини моддий-техника билан таъминлашга оид барча масалаларни аниқ-пухта ҳал этиш, агросаноат бирлашмаларининг, колхозлар, совхозлар ва илмий муассасалар ходимларининг уюштирувчилик ролини ошириш, илғор тажрибадан актив фойдаланиш зарур.

Сиёсий бюро министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг зиммасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, кўкламги экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш масалаларини оператив равишда ҳал этиш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишсавиясини ошириш, интенсив деҳқончилик системалари, бригада пудрати ва хўжалик ҳисоби изчиллик билан жорий этилишига қатъият билан эришда бориш, деҳқонларнинг социалистик мусобақасини яна ҳам кенгроқ авж олдириш мажбуриятини юклади.

(Давоми учинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети 1985 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализми!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

5. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги қатъий азму қарори!

6. Мустамлакачилик зулмидан озод бўлган ва социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

7. Мустақиллик ва социал янгиланиш йўлидан бораётган ривожланаётган мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

8. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

9. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракати иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

10. Озодлик, демократия ва социализм учун курашиб, фашист зиндонларида азоб чекаётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

11. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессия ва зўравонлик сиёсатига қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танг вазиятлар манбаларини тугатиш учун қатъият билан курашингиз!

12. Империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Намибия халқига озодлик! Жанубий Африкада шармандали апартеид системаси тугатилсин!

13. Империализм ва реакцияга қарши, тинчлик ва ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

Жаҳон халқлари! АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилингиз!

14. Араб мамлакатларининг халқлари! Исроил агрессияси ва империализм ҳукмронлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштиринг!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик бўлсин!

15. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари босиб олинган барча араб ерларидан олиб чиқиб кетилишига, араб мамлакатларининг ишига империалистларнинг аралашуви тўхтатилишига эришингиз!

Фаластинлик араб халқининг адолатли кураши билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

16. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европанинг Америка империализми ракета-ядро плацдармига айлантирилишига қарши курашни кучайтиринг!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик қарор топсин!

17. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализмга, янги мустамлакачилик ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

18. Жаҳон халқлари! Жаҳон ядро уруши хавфини йўқотиш учун, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва ер юзида бу пойгани тўхтатиш учун курашни кучайтиринг!

Ядро қуролларининг тамомила тугатилишига эришингиз!

19. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қарши қатъий кураш олиб боринг! Урушга қарши ҳаракатни кенгайтиринг ва жипслаштиринг!

20. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, кенг халқаро ҳамкорлик сиёсати!

21. Коммунизм бунёдкори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи— улуғ совет халқига шон-шарафлар!

22. Коммунистлар! Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини тезлатиш учун, жамият ҳаётининг ҳамма жиҳатларини такомиллаштириш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиринг!

Жонажон ленинчи партия съездини меҳнатда янгидан янги муваффақиятлар билан нишонлайлик!

24. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлангиз! Ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ўстиришга эришингиз, маҳсулот сифатини яхшиланг из!

1985 йил планини муваффақиятли бажарайлик, беш йилликни муносиб равишда тугаллайлик!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Машина ва ускуналардан яхшироқ фойдаланингиз!

Ишлаб турган ва янгидан ишга тушириладиган қувватларни тўла ўзлаштиринг из!

27. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Омилкор хўжайинлар бўлингиз, моддий ресурсларни тежаш учун курашингиз!

1985 йилда тежалган материал, хом ашё ва ёқилғи билан камида икки кун ишлаб берайлик!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун меҳнат коллективларининг ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланингиз! Уюшқоқлик ва интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

29. Халқ контролерлари! Хўжасизлик, исрофгарчиликка қарши, совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида тартибни мустаҳкамлаш учун зўр матонат билан курашингиз!

30. Ёқилғи-энергетика комплексининг ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишни кўпайтиринг из!

Энергетика программасини бажариш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

31. Металлурглар! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжларини пухта таъминлангиз!

Тежамли, ғоят сифатли металл маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиринг из!

32. Машинасозлар! Янги машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни жадаллаштиринг из, техниканинг пухталигини оширинг из!

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни таъминлангиз!

33. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалиги ва аҳолининг химия маҳсулотлари ҳамда материалларига эҳтиёжини тўла таъминлаб турингиз!

34. Саноат ходимлари! Аҳоли учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиринг из! Совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олинг из, молларнинг хилини янгилашни жадаллаштиринг из!

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш—халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишидир!

35. Транспорт ва алоқа ходимлари! Юкларни узлуксиз ташишга, аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятига эришингиз!

36. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Тежамли ва сифатли, замонавий техника асосида қуринг из! Ишга туширилади ган объектларни юксак сифатли қилиб ва ўз вақтида топширингиз!

37. Агросаноат комплекси ходимлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашни жадаллаштиринг из! Мамлакатнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминланишига эришингиз!

Озиқ-овқат программасини бажариш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

38. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини актив жорий этингиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барқарорлигини ошириш учун мелиорация имкониятларидан тўлароқ фойдаланингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етиштиришни кўпайтиринг из!

Кўкламги дала ишлари аниқ ташкил этилсин ва юксак сифатли бўлсин!

39. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлангиз, унинг маҳсулдорлигини оширинг из!

Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтиринг из!

40. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширинг из, аҳолининг ҳар хил хизмат турларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондиринг из!

41. Совет олимлари! Илмий тадқиқотларни бутун чоралар билан ривожлантиринг из, уларнинг самарадорлигини оширинг из! Фан ютуқларини практикага жорий этишга қўшадиган ҳиссангизни кўпайтиринг из!

42. Идеология фронти ходимлари! Омма ўртасида партия ғояларини зўр эътиқод билан пропаганда қилинг из, ривожланган социализм жамияти ютуқларини чуқурроқ ва ёрқинроқ кўрсатиб беринг из! Империалистларнинг қўпорувчилик пропагандасини актив фош қилинг из!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

43. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтариб боринг из!

Турмуш ҳақиқатини, юксак коммунистик идеалларни қарор топтирадиган асарлар яратинг из!

44. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштиринг из! Мактаб ўқувчиларига ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббатни сингдиринг из!

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда актив қатнашинг из!

45. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштиринг из! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширинг из!

46. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг муваффақиятларини кўпайтиринг из! Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини юксак даражага кўтаринг из!

Физкультура халқ сиҳат-саломатлигига хизмат қилсин!

47. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам демократик органлари — халқ депутатлари Советлари!

Советлар мамлакатининг гражданлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, социалистик демократияни янада ривожлантиришда актив қатнашинг из!

48. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантиринг из, уларнинг меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш шароитларини муттасил яхшилашга эришингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

49. Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви, совет ёшларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

50. Йигит ва қизлар! Билимларни, маданиятни, касб маҳоратини сабот билан эгалланг из! Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтиринг из!

Ленинча яшаш, ишлаш, курашишни ўрганинг из!

51. Йигит ва қизлар! Халқлар ўртасида империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамланг из! Ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон фестивалига тайёргарликда актив қатнашинг из!

52. Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Ўз билимингиз, бой ҳаётий тажрибангиздан ёш авлодни баҳраманд этинг!

Йигит ва қизларни юртимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидокорона курашчилар қилиб тарбияланг из!

53. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашинг из!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

54. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштиринг из!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг тарихий ғалабаларини сергак туриб, пухта қўриқланг из!

Яшасин СССРнинг шавкатли Қуролли Кучлари!

55. Яшасин совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги!

Улуғ Ватан урушида жаҳоншумул-тарихий ғалабага эришган совет жангчилари, партизанлар ва подпольечилар, мамлакат ичкариси меҳнаткашларининг сўнмас жасорати халқ хотирасида абадий сақлансин!

Социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган кишиларга абадий шон-шарафлар!

56. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

57. Яшасин жамиятимиз кучларининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

58. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир! Халқ партия билан бирлиги, партиянинг раҳбарлиги туфайли кучлидир!

59. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

60. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик бунёдкорликда янги ғалабалар сари, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

ТАШАББУСКОРЛИК, УЮШҚОҚЛИК, САМАРАДОРЛИК

КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачев, Г. В. Романов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқлар саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бригадаларининг раҳбарлари билан, мутахассислар ва олимлар билан учрашганликлари илгари хабар қилинган эди.

Қуйида ўртоқ М. С. Горбачев нутқининг баёни ва учрашув тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинади.

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар! Сизларни КПСС Марказий Комитетида самимий табриклашга ижозат бергайсизлар. Биз ўз олдимизда турган ишлаб чиқариш-иқтисодий ва социал вазифаларни — кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳам, шунингдек истиқболдаги вазифаларни ҳам қандай қилиб яхшироқ ҳал этиш хусусида сизлар билан маслаҳатлашиб олиш; ҳеч кечиктирмасдан ҳал этиш лозим бўлган масалаларни ҳамда идрок этиш ва пухта ишлаб чиқишни талаб этаётган масалаларни кўриб чиқиш учун шу учрашувни ўтказишга қарор бердик.

Мамлакатимиз масъулиятли даврда яшаб турибди, ҳамма жойда КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик авж олиб бормоқда. Бу катта ишлар қилинадиган ва муҳим қарорлар қабул этиладиган, эришилган натижалар атрофлича таҳлил этилиб, реалистик баҳоланадиган, олға томон қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит берувчи тўсиқларни аниқлайдиган ва бартараф этадиган даврдир. Бу давр қизғин меҳнат ва дадил фикр билан тўлиқ бўлиши, одамларнинг ташаббуси ва ижодига кенг имконият очиб бериши керак. Ҳозир ишдаги уюшқоқликни ошириш, дадил ва узлуксиз социал-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, олға ҳаракатимиз суръатларини жадаллаштириш учун жамики куч ва резервларни сафарбар қилиш лозим.

Сизлар ишлаб чиқаришга бевосита раҳбарлик қилаяпсизлар, меҳнаткашлар орасида ишлаяпсизлар, партия билан ҳукуматнинг кўрсатмалари ва қарорларини амалий равишда турмушга татбиқ этаяпсизлар. Сизлар орттирган тажриба ва билимлар хўжалик юритишнинг кучли ва заиф жиҳатлари ҳақида, ишда халақит бераётган, самарадорликни оширишга тўсқинлик қилаётган тўғаноқлар ҳақида чуқур ва аниқ-равшан фикр юритиш имконини беради. Ҳар бир корхонадаги, ҳар бир меҳнат коллективидаги, қолаверса умуман социалистик хўжалигимиздаги резервларни тўла-тўкис сафарбар қилиш учун ниманларни ва қандай қилиб тўғрилаш ёки ўзгартириш кераклигини эшитмоқчимиз.

Ҳозирги босқичда кўпгина мураккаб вазифаларни айни бир вақтда ҳал этишга тўғри келмоқда. Яқин вақт ичида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда гап 1985 йилги планни ва умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажариш ҳақида бормоқда. Бу йил мураккаб бошланди: турли сабаблар— ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблар таъсир қилди. Қиш жуда қаттиқ келганини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди, албатта. Бироқ очиғини айтганда, биринчи кварталнинг якунлари бизни қаноатлантира олмайди, бу якунларга уюшқоқсизлик, баъзан бепарволик, айрим жойларда эса масъулиятсизлик ҳам кўп жиҳатдан таъсир қилди. Ҳозирги босқичда ишдан бошқа қолоқликни тугатишдан, бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдиришдан, планда белгиланган ҳамма режаларни бажаришдан иборат.

Шу беш йилликда биз қилаётган ҳаракат суръатлари етарли эмаслигини анализ кўрсатиб турибди. Биз суръатларни оширишимиз ва анчагина кўтаришимиз лозим. Бу вазифани эса ҳеч кечиктирмай ҳал қилиш керак. Вақтни беҳуда ўтказиб бўлмайди. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиёти, унинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланиши, совет кишиларининг турмуши яхшиланиши бу вазифаларни нақадар муваффақиятли ҳал этишимизга боғлиқ бўлади.

Истиқбол вазифаларига келганда шуни айтиш керакки, бунда ишлаб чиқаришни интенсивлаш изларига қатъият билан ўтказиш, унинг структурасини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини анча ошириш, хўжалик механизмини ва умуман бошқарувни янада такомиллаштириш масалалари биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Биз шундай қилишимиз керак, бундан бошқа йўл йўқ. Биз ғойибдан мўъжиза бўлишига умид қила олмайми. Ишчидан тортиб министргача, инженердан тортиб академиккача ҳар бир киши зўр ғайрат ва ташаббускорлик билан, виждонан ва ҳалол ишлаши керак. Кадрларнинг масъулиятини, уюшқоқликни, интизомни қатъият билан кўтариш лозим. Бу ишлар оғизда эмас, балки амалда қилинадиган бўлсин. Мустаҳкам интизомни кенг маънода тушуниш керак. Бу интизом юксак ишлаб чиқариш маданиятини ҳам, маҳсулот сифатининг даражасини бевосита белгилаб берадиган қаттиқ технология интизомини ҳам, корхоналар маҳсулот етказиб бериш планларини аниқ бажаришини ҳам, ва албатта, меҳнат интизомини ҳам ўз ичига олади. Оқибат натижада ҳамма нарса одамларга, раҳбар кадрларга, ҳаммамизга нисбатан юксак талабчанликдан бошланади, ўртоқлар.

Ишни пухта, уюшқоқлик билан ташкил этиш, резервлардан фойдаланиш масалалари кундалик фаолиятимизда ҳам, истиқбол вазифаларини ҳал этиш чоғида ҳам диққат марказида туриши керак. Ҳозирги вақтда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликкa ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳасини тайёрлаш иши ниҳоясига етказилмоқда. Гарчи бу лойиҳа узоқ даврни ўз ичига олса ҳам, янги беш йиллик ҳар жиҳатдан бурилиш нуқтаси бўлиб қолиши лозим.

Бу беш йиллик эса яқинлашиб қолди. Шаҳар ва қишлоқдаги ҳар бир коллектив ҳозиргидаёқ ўзининг беш йиллик планларини ишлаб чиқар экан, мавжуд резерв ва имкониятларни бу планларга асос қилиб олиши, белгиланган режаларни амалга ошириш учун зарур тадбирларнинг ҳаммасини кўзда тутиши муҳимдир.

Биринчи галда ўз ихтиёримиздаги ҳамма нарсалардан имкони борича унумли фойдаланиш муҳимдир. Мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётнинг юксак чўққиларига чиқди, олға томон муваффақиятли ҳаракат қилишни таъминлайдиган салмоқли иқтисодий потенциал вужудга келтирилди. Фақат бир иш: ҳозирнинг ўзида мавжуд бўлган нарсалардан чинакамига фойдаланишнинг ўзи билангина халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволини анча яхшилашга эришиш мумкинлигини турмуш кўрсатиб турибди. Корхоналарда тартибни мустаҳкамлаш ва бўшангликка қарши кураш, яхши меҳнат маромини таъминлаш ҳисобига меҳнат унумдорлиги анча тезроқ ошаётганлигини ва маҳсулот сифати кўтарилаётганини, фаолиятнинг бошқа ҳамма натижалари яхшиланаётганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Маҳсулотнинг сифати, унинг техника даражаси тўғрисидаги, уни қандай қилиб қатъиян ошириш ҳақидаги масалани алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман. Нега шундай бўляпти: корхона эскирган, техника даражаси паст, маҳсулотни, аҳолига манзур бўлмайдиган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарса-ю, нечун нормал яшайди ва ҳатто равнақ топаверади? Хўжалик механизмимиз бундай ҳодисаларга йўл қўймоқда. Бу аҳволни қандай қилиб ва имкони борича тезроқ яхшилаб олиш мумкин?

Қатъий чоралар кўриш керакка ўхшайди: кимки замонавий талаблар даражасида маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, у маънавий ва моддий афзалликка эга бўлиши керак. Башарти корхона узоқ вақтгача ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юксак истеъмол сифатларига эришмаса, уни янгиламаса, бу нарса ходимларнинг, айниқса, меҳнат коллективлари раҳбарларининг моддий

(Давоми иккинчи бетда).

ТАШАББУСКОРЛИК, УЮШҚОҚЛИК, САМАРАДОРЛИК

КПСС Марказий Комитетидаги учрашув қатнашчиларининг айтганлари

(Боши биринчи бетда).

аҳволига муқаррар равишда таъсир қилиши лозим. Ишга бундай ёндашишнинг мақбуллигига ҳеч қандай эътироз бўлмаса керак. Демак, сўздан амалий ишга ўтиш зарур.

Яна бир муҳим проблема — иқтисодий тежашни кучайтиришдан, исрофгарчиликка қарши курашишдан, меҳнат коллективи ихтиёридаги ҳамма нарсалар — станоклар, асбоб-ускуналар, ерлар, бошқа моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборат. Биз ҳозир ҳам, келгусида ҳам бу ресурсларнинг анчагина кўпайишига умид боғлашимиз мумкин ҳам, лозим ҳам эмас. Гарчи айрим кишилар ривожланишнинг бундай самарасиз йўлига одатланиб қолган бўлса ҳам, аммо шундай умидлардан қатъиян воз кечиш керак.

Ишни қайта қуриш, хом ашё ва қувватларнинг муайян бирлигидан кўпроқ пировард маҳсулот олишга интилиш, меҳнат сарфини қатъият билан қисқартириш зарур. Мана шу амалда ишлаб чиқаришни интенсивлаш бўлади. Ҳозир ҳар бир раҳбар, ҳар бир хўжалик ходими, ҳар бир меҳнат коллективи шундай фикр юритиши ва ҳаракат қилиши лозим.

Айтилган гапларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир, биз бу соҳага жуда катта эътибор бериб келдик ва бераверамиз. Қишлоққа катта капитал маблағ ажратилмоқда, колхоз ва совхозларнинг техника билан таъминланиши кўпаймоқда. Харид нархлари оширилганлиги уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мустаҳкамланишига кўмаклашди. Мана шуларнинг ҳаммаси муайян натижалар бермоқда, бироқ кўпгина хўжаликларда ердан, меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан ҳамон оқилона фойдаланилмаяпти. Шу муносабат билан колхоз ва совхозларнинг ишидаги самарадорликни, агросаноат комплекси барча бўғинларининг ўзаро масъулиятини ошириш, планлаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш, иш вақтидан, бутун ёруғ кундан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланиш жиддий эътиборга сазовордир.

Хўжалик механизмини, бошқарувни такомиллаштириш тадбирларини меҳнат коллективларининг активлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратиш муҳимдир. Биз энг асосий соҳалар бўйича марказлаштирилган планлаштиришни мустаҳкамлаш билан бирга корхоналарнинг ҳуқуқларини бундан буён ҳам кенгайтиришни, чинакам хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда умуман коллективнинг ҳам, шунингдек ҳар бир ходимнинг ҳам пировард меҳнат натижалари учун масъулиятини ҳамда манфаатдорлигини оширишни назарда тутаяпмиз. Иқтисодий эксперимент ҳам ана шунга қаратилган.

Хўжалик юритиш системаси шундай йўлга қўйилиши керакки, ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнаткаш ижтимоий ишлаб чиқаришдаги, унинг самарадорлигини оширишдаги ўз қобилияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга интиладиган бўлсин. Ишлаб чиқариш масалалари билан социал масалалар, давлат, коллектив ва шахс манфаатлари ўзаро қанчалик чамбарчас боғланса, бу вазифалар шу қадар яхшироқ ҳал этиладиган бўлади.

Чамаси, бошқарувнинг ҳар бир даражасида ҳуқуқ ва вазифалар тўғри тақсимланган тақдирда корхоналар ва бирлашмаларнинг чинакам мустақиллиги ҳамда масъулиятига эришиш мумкин бўлади. Агар директор ҳар қандай нарсани ўнлаб муассаса билан келишиб оладиган, ҳамма нарса хусусида бошдан охиригача розиликка эришадиган бўлса, у ҳолда биз мустақиллик вазифасини ҳал эта олмаймиз. Ҳар қандай масаланинг ҳал этилишини марказга олиб келавериш ярамайди. Хўжалик кадрларимизнинг савияси кўпгина проблемаларни ўз жойида бемалол ҳал этиш имконини беради. Бунинг учун фақат уларни чакки ва ортиқча инструкциялар сиртмоғидан халос қилиш, ҳисоботни қатъиян камайтириш, беҳуда қоғозбозликдан қутилиш керак, холос. Бу эса айни вақтда бошқарув аппаратини қисқартиришга имкон беради. Бу гап министрликларга ҳам, Бутуниттифоқ саноат бирлашмаларига ҳам тааллуқлидир.

Кейинги йилларда меҳнат коллективларига кўпгина ҳуқуқлар берилди. Уларнинг ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал этишдаги ролини оширишни мустаҳкамлаб берган СССР Қонуни қабул қилинди. Аммо ҳозирча муносиб самара олинаётгани йўқ. Хўш, бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишда коллективга нималар халал бераяпти? Қонуннинг имкониятлари меҳнат ғайратини ва социал активликни оширишга, жамият турмушининг демократик нормаларини ривожлантиришга тўлатўкис хизмат қилиши учун яна нималар қилиш керак? деган савол туғилади.

Қонун меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ролини, раҳбарларнинг коллектив олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган-ку, ахир. Энг актуал ва зарур масалалар ишчиларнинг йиғилишларига қўйилиши, ҳамма поғонадаги раҳбарлар ана шу йиғилишларда ҳисоб бериб туришлари керак.

Чамаси, ҳали ҳамма раҳбар ҳам бундай бурилишга психологик жиҳатдан тайёр эмасга ўхшайди. Кўпларга ҳали агар камроқ маслаҳатлашилса-ю, фақат буйруқ берилса, бу белгиланган мақсадга олиб борадиган осонроқ ва қисқароқ йўлдек кўринади. Аслида эса, ўртоқлар оқил раҳбарлар иш тутаётгандек, коллективга таяниш, унда аҳил ижодий вазиятни вужудга келтириш — олға томон қиладиган ҳаракатимизни жадаллаштирувчи энг асосий омилдир.

Кенгашимизга бригадирлар келишган. Улар қўйи ишлаб чиқариш бўғини раҳбарларининг қарийб икки миллионли отряди вакилларидир. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати уларнинг меҳнатини юксак баҳолайдилар. Бригада меҳнат коллективининг бошланғич ячейкасидир. Муваффақиятли ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятининг пойдевори айни шу ерда яратилади. Демократиямизга қудратли омил бериш калити ҳам мана шу ерда, чунки ишлаб чиқариш, рағбатлантириш, тарбиялашнинг энг катта масалаларини бу ерда коллективнинг ўзи ҳал қила олади. Меҳнаткашларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш асосларини шакллантириш мана шундан бошланади.

Ҳозир кўпчилик бригадалар илғор иш усулига ўтганлар, улар ишлаб чиқариш ва меҳнатни, маънавий ва моддий рағбатлантиришни, меҳнаткашларни тарбиялашни ташкил қилишда ўзларига бериб қўйилган ваколатлардан кенг миқёсда фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси ҳамма жойда ҳам муваффақиятли ривожланмаётганлиги маълум. Бригадалар хўжалик ҳисобига секинлик билан ўтказилмоқда. Уларнинг кўпларида меҳнат унумдорлиги суст ошмоқда. Бунга нималар халақит бераётганлигини ва ишларнинг аҳволини яхшилаш учун нималар қилиш кераклигини эшитмоқчимиз.

Умуман, ўртоқлар, биз мана шу ва бошқа етилган муаммолар хусусида ошкора гаплашиб олиш ниятидамиз.

Учрашув қатнашчилари бажарилган ишлар ва эришилган ютуқларни муносиб равишда қайд этиб ўтиб, шу йилги планни ҳамда бутун ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш, бой берилган имкониятларни тўлдириш учун қандай восита ва резервларни ишга тушириш кераклигига асосий эътиборни қаратдилар. Кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш чоғида барча меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигига кенг имконият очиш тўғрисида гап борди. Сўзга чиққан кишилар, аввало, ҳар бир кишининг қизғин ва виждонан ишлаши кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Меҳнат ва технология интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш — ўсишимизни жадаллаштиришнинг салмоқли резервидир. Учрашувда шундай бир ибратли мисол келтирилди. Минск автомобиль заводида бир неча кун ишлаган комиссия корхона партия ташкилотининг фаолиятини текширди. Табийки, бу ҳақда барча машинасозлар хабар топди. Шунда улар нимага қодир эканликларини кўрсатишга қарор бердилар: одамлар ана шу кунларнинг бирида уюшқоқлик билан, бир маромда интизомни бузмай меҳнат қилдилар ва меҳнат унумдорлигини 18 процент ошира олдилар. Башарти мана шундай иш режими кундалик қоида бўлиб қолса меҳнат коллективи меҳнат самарадорлигини ўстиришнинг ана шундай резервларига эгадир. Шу кунлар ичида цехлардаги станок ва машиналар сони кўпайгани йўқ-ку, ахир. Бунинг сири шундаки, кишилар меҳнат коллективи тўғрисидаги қонун талаб этганидек иш вақтини зое кетказмадилар, чинакамига меҳнат қилдилар. Қонунда кўзда тутилган мақсадлардан бири умумдавлат планларининг тақдири учун ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ўзининг роли ва масъулиятини оширишдан иборат-ку, ахир.

Саратовдаги 3-давлат подшипник заводи созловчиларининг бригадири Н. А. Богатов қуйидагиларни қайд этди.

— Мен заводда пировард натижага қараб ҳақ тўланадиган узлуксиз бригадалар ташкил этиш сарчашмаларида туриш шарафига ҳам муяссар бўлганман. 1965 йилдан буён бригада коллективига раҳбарлик қилиб келяпман. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жамики ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш натижаси билангина эришилмоқда.

Бригадирнинг нутқида бир қанча масалалар кўтарилди. Унинг фикрича, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси тўғрисидаги мавжуд қоида ишни бирмунча қийинлаштирмоқда. Бу қоида ҳатто ишёқмас ходимга ҳам тарифдагидан кам бўлмаган иш ҳақини таъминлаб беришни тавсия этади. Бунинг оқибатида коллектив виждонан ишламаётган ходимларга таъсир ўтказиш асосий воситаларининг биридан маҳрум бўлмоқда.

— Биз, ишчилар, деди сўнгра у, — ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш ҳамда шу социал иллатни жамиятимиз турмушидан йўқ қилиш борасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида кўриб чиқилган тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз ва маъқуллаймиз.

Мутлақо ишламаслик ёки қўл учида ишласа-ю, маошни илғорлар билан баб-баравар олиш имкониятини қидираётган кимсаларнинг ишга виждонан муносабатда бўлмаётганликлари бизни, айниқса, ташвишлантирмоқда. Бизнинг нормал яшаб, меҳнат қилишимизга ҳалақит бераётган текинхўрлар камаймаётганлиги ҳам бизни ташвишга солмоқда. Биз учарлар билан текинхўрларга нисбатан бирмунча қаттиқ чоралар кўриш зарур деб ҳисоблаймиз.

Учрашувнинг кўпгина қатнашчилари барча ходимларнинг ижодий активлигини янада ривожлантириш тўғрисида гапириб, инженерларнинг самара бериши ва обрў-эътиборини ошириш зарурлигини қайд этиб ўтдилар. Жумладан, «Ленинград металл заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарларининг бригадири В. С. Чичеров шу ҳақда гапирди. Ҳозирги пайтда инженерларнинг меҳнатига кўпинча конкрет ижодий ҳисса қўшилганлигини ҳисобга олмай баҳо берилади, бунда ҳали тенглаштирувчилик билан ёндашишга барҳам берилмаган. Техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари шу қадар ўткир қилиб қўйилган ҳозирги пайтда мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш кераклиги равшан.

Инженер-техник ходимларнинг энг оммавий категорияси — ишлаб чиқариш мастерини олиб кўрайлик. Учрашувда қайд этиб ўтилганидек, ишчиларнинг мураббийси, меҳнат жараёнларининг ташкилотчиси сифатида мастернинг обрў-эътибори ҳали, афсуски, тегишли даражага кўтарилмаган. Эҳтимол мастерлар сонини бир оз қисқартириш, ҳосил бўлган иш ҳақи фонди тежамини кўпроқ ҳажмдаги ишларни бажараётганларнинг маошини кўпайтиришга сарфлаш керакдир, дейишди сўзга чиққан кишилар.

Бир қанча нутқларда меҳнат ресурсларига эга бўлган иш жойлари миқдорини ҳар бир регионда тезроқ мутаносиб ҳолга келтириш лозимлиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Иш жойлари ортиқча кўпайиб кетган бир пайтда янги қурилиш билан аввалгидек интенсив шуғулланиб бўлмайди. Ишлаб турган заводлар ва фабрикаларни анча самарадорлик билан реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни янги техника асосида қайта қуроллантириш керак. Масалан, Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида асосий фондларнинг ўсиши тармоқда энг кам бўлгани ҳолда асосий маҳсулотни ўстириш суръатлари умуман станоксозлик саноатидагига қараганда икки ярим баравар юқоридир. Ҳамма гап шундаки, бу ерда капитал маблағларнинг асосий қисми корпуслар қурилишига эмас, балки энг янги машина-ускуналарга сарфланмоқда, улардан тезда жуда яхши самара олинмоқда.

Биз хўжалик юритишнинг бирмунча мукаммал механизмини жорий этганимиз тақдирда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари ортади. Кейинги йилларда бу соҳада қатъий чоралар кўрилмоқда. 26 саноат министрлиги катта миқёсдаги иқтисодий экспериментни ўтказмоқда. Бироқ учрашув қатнашчилари айтиб ўтишганидек, бу экспериментни чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак.

«Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи икки йилдан буён кенг миқёсли -эксперимент шароитида ишлаб келмоқда. Ўтган йили бу бирлашма маҳсулот реализация қилиш планини бажарди, реализация ҳажми 7,8 процент ошди. Бошқа бир асосий кўрсаткич — шартномалар асосида маҳсулот етказиб бериш кўрсаткичини бирлашма тўлиқ уддалай олмади, аммо экспериментгача бўлганига қараганда яхшиланди.

Хўжалик юритишнинг янги принциплари планларни синчиклаб пухтароқ ишлаб чиқишга мажбур этмоқда, бригадир, мастердан тортиб, бош директоргача мутахассисларнинг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун масъулиятини кучайтирмоқда. Машинасозлар ҳам турдош касб ходимларига, жумладан СССР Госснаби системасининг ходимларига нисбатан талабчанликни кучайтирдилар. Шунга қарамай, бирлашма коллективи ишнинг сифат жиҳатдан янги даражасига чиқиб олди, деб ҳозирча айтиб бўлмайди.

— Планлаштиришда тартиб ўрнатилмас экан, ҳеч қандай моддий манфаатдорлик ишларни тубдан яхшилай олмайди, деб ўйлайман, — дейди «Уралмаш»нинг бош директори Е. А. Варначев. — Биз, машинасозлар, айниқса, Оғир машинасозлик саноати министрлигининг коллективлари истиқболни, маҳсулотимизга бўлган талаб-эҳтиёжни билишимиз керак, бизга ҳажм, номенклатура бўйича, истеъмолчилар учун, капитал маблағ, фонд ҳосил қилувчи нормативлар бўйича бутун беш йилликка мўлжалланган қатъий план зарур.

— Тикувчилар учун эса «қатъий» беш йилликни, узоқ муддатли тиғиз планларни, бунинг устига эришилган даражадан планларнинг ўстирилишини тўғаноқ дейиш мумкин, — деб ҳисоблайди Москва шаҳридаги «Космос» тикувчилик фабрикасининг директори М. П. Будаева. — Масалан, бугун трикотаж кўйлаклар харидоргир бўлса, эртага уларни сотиб олишмайди, чунки ип газлама кўйлаклар модада бўлади. Бу буюмларга бир хил меҳнат сарфланса-да уларнинг қиймати ўртасидаги тафовут тўрт баравардир. Тикувчилар планнинг қиймат кўрсаткичларини бажариш кетидан қувиб, (меҳнат коллективларининг моддий фаровонлиги ана шу кўрсаткичларга боғлиқ) мададан қолган, баъзида эса қиммат турадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва шу тариқа касод бозор учун ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам раҳбарларга ишлаб чиқариш тактикаси ва стратегиясини танлаб олишда кўпроқ ҳуқуқ бериш лозим. Харидорларнинг талаб-эҳтиёжлари эса улар учун бу ишда йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бугунги кунда план ва молия органларининг ходимлари баъзида планларнинг сифати учун, айниқса уларнинг ижроси учун жавоб бермаётганликлари ҳам қайд этиб ўтилади. Аммо уларда ҳамма нарсани қонун-қоидага солишга, ҳаётнинг барча ҳодисалари учун мўлжалланган, баъзан жойларда ташаббускорликни бўғадиган йўл-йўриқларни тузишга бўлган мойиллик жуда кучли. Чунончи, эксперимент шартларига кўра, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилган бўлишига қарамай, СССР Молия министрлиги, СССР Госстройи, СССР Давлат банкининг йўл-йўриқлари чиқарилгандан кейин кўп нарса эскиларича қолиб кетди. Жумладан, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун уни ривожлантириш фондидан фойдаланиш қийинлаштирилди.

Тажрибадан маълумки, ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг манфаатларига бўйсундириш учун корхоналарни чинакам хўжалик ҳисобига ўтказиш, уларнинг министрликлар ҳамда план органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш лозим.

Норильск кон-металлургия комбинати директори Б. И. Колесниковнинг фикрича, ҳозир кўпгина корхоналар планлаштириш билан бошқарувни марказлаштириш даражаси энг мақбул чегарадан ўтиб кетганлигини ва ҳозирдаёқ халқ хўжалигини ривожлантиришга муайян даражада салбий таъсир этаётганлигини сезмоқдалар. Корхоналар ва бирлашмаларнинг иши кўпчилик — юз ва ундан ҳам кўпроқ кўрсаткичларга мувофиқ қатъий регламентга солиб қўйилган, лекин бу ҳам оқилона раҳбарлик қилишга, ҳам ташаббускорликка тўсқинлик қилади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва самарадорликни ошириш учун ҳар бир корхонага ўзининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ўзининг ички резервларини ишга солиш, ўзининг ички ресурсларини ўзлаштириш учун кенг имконият берилиши керак. Бу ерда ҳар бир корхонанинг ўзига хос ўрни ва ўзига хос вазифалари бор. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, уларнинг техника даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини янгилаш ҳисобига кенгайтирилмоқда. Бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, уларнинг техника даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини янгилаш ҳисобига кенгайтирилмоқда. Бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, уларнинг техника даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини янгилаш ҳисобига кенгайтирилмоқда. Бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, уларнинг техника даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини янгилаш ҳисобига кенгайтирилмоқда. Бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, уларнинг техника даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини янгилаш ҳисобига кенгайтирилмоқда. Бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, уларнинг техника даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини янгилаш ҳисобига кенгайтирилмоқда. Бу йўлда ҳали кўп ишлар қилиш керак.

ТАШАББУСКОРЛИК, УЮШҚОҚЛИК, САМАРАДОРЛИК

(Боши 1- ва 2-бетларда).

бирлашманинг ўринсиз кўп машина ишлаб чиқаришига тўғри келмоқда. Ҳолбуки, ҳар бир сеялканинг хизмат муддати атиги бир йил узайтириладиган бўлса, бу нарса бир йилда сеялка ишлаб чиқаришни 16 минг дона кўпайтириш билан тенг бўлур эди.

Красноярск ўлкасидаги «Назаровский» совхозининг директори А. П. Вепрев айтдики, мамлакатнинг кўпгина корхоналари ишлаб чиқараётган бир қанча хил машина-ускуналарнинг сифати юмшоқ қилиб айтганда, истеъмолчиларни қондирмаётир. Аммо хўжалик раҳбари конкрет мисоллар келтира бошлаганида, аниқроқ ва қатъий гапиришга тўғри келди. Механизаторлар совхоз оладиган ҳамма машиналарни бошқатдан йиғиб чиқишига тўғри келмоқда, бу машиналарнинг аксарияти ремонтсиз бир мавсумга ҳам бардош беролмаяпти.

Бу ишлардаги брак сабаблари маълум: маҳсулот тайёрловчи заводларда технология интизоми даражаси паст. Бундан ҳам ташвишли аломатлар бор. Масалан, реализация қилиш ҳажмини кўпайтириш орқасидан қувиб, ҳатто янгисидан анча арзон ва яхши чиққан машина-ускуна намуналарини ўринсиз равишда алмаштириш ҳоллари ҳам учраб туради. Хўжалик раҳбари қишлоқ меҳнаткашлари ғарам уядиган пухта ва содда машина ўрнига конструкцияси тузук ишланмаган анча қиммат машина ола бошлаганликларини айтиб берди. Унинг маҳсулот юксак сифатли бўлиши учун кураш албатта энг юксак талабчанликка суянмоғи, райхотирга қарамай олиб борилмоғи керак, деб айтган фикри тўғридир.

Енгил саноат маҳсулотларининг сифати масаласи қатъий турибди. Совет кишилари магазинлардан тўкис ва кўркам модадаги кийим-кечак, пойабзал, мебель, уй-рўзғор ашёлари, рўзғор техникасини ҳамиша ҳам топа оладилар деб бўлмайди.

Учрашув қатнашчилари Ф. Дзержинский номидаги Иваново ип йигириш-тўқиш фабрикаси комплекс бригадасининг бошлиғи В. П. Парфенова нутқини зўр эътибор билан тингладилар. У масалани лўнда қилиб қўйди: енгил саноатнинг ҳар бир маҳсулоти фақат виставкалардагина эмас, магазинда ҳам харидорни қувонтирмоғи, уни жалб этмоғи керак.

Шу проблемани ҳал этиш бир қанча жиддий чораларни амалга оширишни қаттиқ тақозо этади. Бу ерда, жумладан, соҳа корхоналари ишини ҳозиргига нисбатан чаққонроқ, эпчилроқ планлаштириш системаси ҳам, улгуржи ярмаркаларни янада конкрет, таъсирчан қилиб ташкил этиш, меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш ҳам зарурдир.

Учрашув қатнашчиларининг фикрича, енгил саноатга машина-ускуна, материал, бўёқ тайёрлаб берадиган турдош корхоналарнинг ҳамкорлигини янада манфаатдор қилиш ана шу ишнинг бош йўналиши ҳисобланади. Халққа тайёрланадиган мол сифати оғир индустрия тармоқлари қўшадиган ҳиссага бевосита боғлиқ. Ҳозирча шу тармоқларнинг ички бозорни харидоргир молларга тўлдириш учун курашда қатнашувини қониқарли деб бўлмайди.

Ҳар бир совет корхонасининг маркаси маҳсулот юксак даражада эканлигининг далили бўлиб қолмоғи керак. «СССРда ясалган» маркасининг обрўсини кўтармоқ керак.

Индустриал жиҳатдан ривожланган кўпгина мамлакатларда Иваново ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган прецизион станоклар манзур бўлмоқда ва сотиб олинмоқда. Совет тракторлари эса турли қитъаларда ишлатилмоқда. Ташқи бозор учун ишлаш, чет эл фирмалари билан очиқ мусобақа қилиш ҳам совет маҳсулотлари сифатини оширишга, юксак техникавий даражасини такомиллаштиришга омил бағишлайди.

Учрашув қатнашчилари таъкидлаб ўтганидек, совет экспортини ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришилган бўлса ҳам, бу соҳада ҳали камчиликлар, чала ишлар кўзга яққол ташланади. Экономикамиз, жамиятимиз ихтиёрида бўлган резервлардан самарали фойдаланиб, ана шу камчиликларга қарши муросасиз кураш олиб бориш керак.

Совет халқ хўжалиги маҳсулот сифати билан боғлиқ аҳволни қисқа муддатда кескин ўзгартириши, уни замонавий талаблар дармоқдага мувофиқ келтириши керак. Ҳамма тармоқ меҳнаткашлари қўйилган вазифани ҳал этиш учун барча куч, билим, тажрибаларини сарфлашга тайёрдирлар. Бу проблемага давлат нуқтаи назаридан кенг кўламда қараётган ишчиларнинг кайфиятлари шундан яққол далолат бермоқда: бу ерда гап бутун бунёдкорлик ишимизнинг сифати, услуби тўғрисида бораётир. Учрашувнинг барча қатнашчилари шундай кайфиятда эканликларини кўрсатдилар.

Сўзга чиққанлар айтдиларки, буюмларнинг юқори сифатли бўлиши учун курашни бир маромда меҳнат қилиш, бўл-бўлчиликни тугатиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида технология интизомига қатъий риоя этишдан ажратиб бўлмайди. Ишчилар, техниклар, инженерларнинг маҳорати, малакасини ҳамма чоралар билан ошириш аҳамияти ҳам муҳимдир. Юксак сифатли, яхши иш муносиб равишда рағбатлантирилмоғи лозим. Аксинча ишга пала-партиш муносабатда бўлиб, тартибсизлик, брак чиқариш фактларига ҳар бир коллективда муросасизлик вазиятини вужудга келтирмоқ керак.

Учрашув қатнашчилари КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа давомида саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз беш йиллик якунловчи йилининг топшириқларини муваффақиятли уддалайди, деб ишонч билдирдилар.

* * *

Учрашув охирида М. С. Горбачев мазмунли ва фойдали фикрлашиб олинганлигини, муҳим давлат аҳамиятига молик гаплар бўлганлигини таъкидлади. У айтилган қимматли таклифлар учун КПСС Марказий Комитети номидан миннатдорчилик билдирди. Бу таклифлар давлат органларида ғоят жиддий эътибор билан ўрганиб, кўриб чиқилади.

Учрашув Марказий Комитетда, ҳукуматда ва иқтисодий соҳадаги идораларимизда ишлаб чиқилаётган иқтисодий ва социал тараққиёт йўналишлари тўғрилигидан қаноат ҳосил қилишга имкон берди. Фан-техника тараққиётини тезлатиш билан бир қаторда хўжалик механизмини такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш бўғинлари мустаҳкамлигини, кадрларимизнинг масъулиятини ошириш ҳисобига жуда кўп нарсаларга эришиш лозим. Нутқларда ана шу фикр аниқ-равшан қилиб айтилди.

Бинобарин биз бошқарув системасини бундан буён ҳам яхшилаб, иқтисодий экспериментни чуқурлаштириб боришимиз керак. Сўзга чиқанларнинг ҳаммаси шу ишни қўллаб-қувватлаб гапирди ва орттирилган тажрибадан тезроқ фойдаланибгина қолмай, ҳаётнинг ўзи олға сураётган масалаларни ҳам ҳал этиш зарурлигини уқтирди.

Муҳокама амалга оширилаётган чораларни бошқарувнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш билан тўлдириш нақадар муҳимлигини кўрсатди. Эскича ишлашга ўрганиб қолган юқори органлар иқтисодий эксперимент заминида бўлган хўжалик юритиш принципларини изчил амалга ошириш ва ривожлантиришга кўпинча кўмак бермаяпти. Бутуниттифоқ саноат бирлашмалари даражасида шу нарса айниқса кўзга яққол ташланмоқда. Пайсалга солмай шу масалалар билан шуғулланмоқ керак. Чунки министрликлар ҳамда Бутуниттифоқ саноат бирлашмалари даражасида бошқариш методлари ўзгартирилмаса бир жойда депсиниб тураверамиз.

Агросаноат комплекси бошқарувнинг ташкилий структураларида ўзгаришлар қилиш зарур бўлган бошқа бир муҳим соҳадир. Сўзга чиқанлар халқ хўжалигининг шу муҳим соҳасини бошқаришни такомиллаштиришни мантиқий ниҳоясига етказиш кераклигини айтдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида белгиланганидек, агросаноат комплекси яхлит ҳолда планлаштирилмоғи, пул билан таъминланмоғи ва бошқарилмоғи керак. Ҳозирча биз шунга эришолмадик, бунинг натижасида харажатларимиз катта бўлиб турибди.

Сўзга чиққан кишиларнинг кўплари ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш ва интизомни сақлаш ҳисобига нақадар кўп нарсаларга эришиш мумкинлигини ўз корхоналари ва бригадалари мисолида кўрсатиб бердилар. Қаттиқ технология интизоми зарурлигини яна бир карра уқтириб ўтмоқчиман. Меҳнат унумдорлигини ҳам, маҳсулот сифатини ҳам кўп даражада белгилаб берувчи нарса шу технология интизомидир. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг қатъий бир маромда бўлишига эришиш муҳимдир. Кўпгина корхоналарда бир ойга мўлжалланган маҳсулотнинг ярми учинчи ўн кунликда ишлаб чиқарилаётган экан, сифат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай пайтда сифат ҳақида ўйламай, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам планни бажаришга зўр берилади. Интизом эса ишлаб чиқаришни юритишнинг бутун маданиятини юксалтиришни тақозо этади.

Ўртоқлар! Уйингизга қайтиб боргач, бўлиб ўтган учрашув тўғрисида коллективларингизга гапириб беринг. Партия ва хўжалик активини хабардор қилинг. КПСС Марказий Комитети партия сиёсатининг туб масалалари юзасидан, КПССнинг навбатдаги XXVII съезди учун тақлифлар тайёрлаш чоғида бундан буён ҳам меҳнаткашлар, кенг жамоатчилик билан маслаҳатлашиб туришини айтинг.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Боши биринчи бетда).

Кўкламги дала ишларини юксак даражада ўтказиш ва шу тариқа беш йилликнинг тугалловчи йилида мўл ҳосил олиш учун яхши негиз яратиш — колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг, раҳбарлари ва мутахассисларининг, коммунистлар ва комсомолларнинг бурчидир.

Сиёсий бюро агросаноат комплекси қайта ишловчи тармоқларининг моддий-техника базасини жадал ривожлантириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шу масалани муҳокама этиш чоғида Озиқ-овқат программасида белгиланган ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган ва қайта ишлайдиган қувватларни яратиш билан боғлиқ топшириқлар суст кетаётганлигига, озиқ-овқат машинасозлиги план топшириқларидан орқада қолаётганлигига, озиқ-овқат саноати тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш кенгиқтирилаётганлигига эътибор жалб қилинди. Бу ҳол талайгина нобудгарчиликларга, етиштирилган ва тайёрланган маҳсулотлардан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида тегишли министрликлар ва идораларнинг, уларга бўйсунган ташкилотларнинг қайта ишловчи корхоналар қурилишини авж олдиришга, уларни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга, мавжуд ишлаб чиқариш базасидан тўлиқ фойдаланишга, хом ашёни яна ҳам яхшироқ қайта ишлашга ва унинг нобуд бўлишини камайтиришга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган вазифалари белгиланди. Капитал маблағдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қайта ишлаш саноати корхоналарида қувватлар барпо этиш ва уларни ишга туширишни ҳар қандай зарур моддий ва молиявий ресурсларни жамлаш тадбирлари белгилаб қўйилди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари бу масалаларни доимо қатъий контрол қилиб боришлари, ишлаб чиқаришда юксак уюшқоқлик ва тартибни таъминлаш учун корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан қаттиқ талабчанлик қилишлари, илм-фаннинг энг янги ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш, ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш чораларини кўришлари, меҳнат коллективларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак.

Сиёсий бюро балиқ овловчи колхозларнинг сайлаб қўйиладиган правлениега эга бўлган Бутуниттифоқ балиқ овловчи колхозлар бирлашмаси бошчилигида балиқ овловчи бирлашган колхозлар системасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларини муҳокама қилиб, қўллаб-қувватлади. Колхоз демократияси принциплари асосида қурилган шундай бирлашмани ташкил этиш балиқ овлаш кооперацияси фаолиятини яхшилаш, балиқ овлашда ва балиқ маҳсулотлари етиштиришда фан ва техника ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш, балиқ овловчи колхозларнинг экономикасини изчиллик билан мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни планлаштириш ҳамда ташкил этишни, меҳнат ҳақини ва даромадлар тақсимланишини такомиллаштириш, ички хўжалик ҳисоб-китобини, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш имконини беради.

Сиёсий бюро мажлисида Тува АССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида фойдали қазилмаларни ишга солиш негизида автоном республиканинг саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва уларни қайта ишлашни янада кўпайтириш кўзда тутилади. Уй-жой биноларини, умумий таълим мактабларини, болалар боғчаларини, соғлиқни сақлаш ва маданият объектларини фойдаланишга топширишни кўпайтириш тадбирлари белгиланди. РСФСРдаги 14 область, ўлка ва автоном республикалар партия ҳамда совет ташкилотларининг Тува АССРда оталиқ ёрдами тартибида уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва социал-маданий объектлар қуриш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1986-1990 йилларда Тува АССРга студентларнинг қурилиш отрядларини юбориш ҳақидаги таклифи қабул қилинди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг АҚШ конгресси вакиллар палатасининг спикери Т. О' Нил билан қилган суҳбати, ўртоқ А. А. Громиконинг вакиллар палатаси делегацияси билан ўтказган суҳбати тўғрисидаги, шунингдек бу делегация СССР Олий Советида ўтказган фикрлашувлар ҳақидаги ахборотни тинглади. Делегация билан ўтказилган актив сиёсий мулоқотнинг ижобий аҳамияти ва Совет-Америка муносабатларини активлаштириш жиҳатларидан бири сифатида парламентлар йўли билан қилинадиган алоқаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Совет раҳбарлари СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни иккала мамлакат халқларининг манфаатлари ҳамда умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш манфаатларини кўзлаб, нормал ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат ўзагига қайтаришга интилаётганликлари жуда аниқ қилиб таъкидланди. Шу мақсадга эришиш учун иккала томоннинг сиёсий иродаси зарур. Совет Иттифоқи шундай иродага эга, бинобарин у Америка томони ҳам бундай иродани намоён этади, деб умид қилади.

Сиёсий бюро совет халқининг ва жаҳондаги бошқа халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ядро қуролларини бирдан қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосда шундай пойгага йўл қўймаслик вазифаси биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи ушбу масалалар юзасидан Женевада АҚШ билан олиб борилаётган музокараларда айни мана шу мақсадларга амал қилмоқда. Совет Иттифоқининг ҳозирдаёқ космос учун қурол яратиш соҳасидаги ҳар қандай ишларни тўхтатиш, стратегик ядро қуролларини кўпайтирмаслик, Европада Американикинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирилишини ҳамда СССРнинг жавоб чоралари кучайтириляпишини тўхтатиш тўғрисидаги тақлифлари ана шу мақсадларга тезроқ эришиш, ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги аҳдномалар учун энг кўп қулай шароитларни яратиш муддаоси билан суғорилгандир. Совет Иттифоқининг холис ниятли иши — Европада ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини бир томонлама тартибда жойлаштирмай туриш ва бошқа жавоб чораларини тўхтатиш тўғрисидаги қарори айни шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади. Совет раҳбарлари СССРнинг мана шу тинчликсевар, конструктив тадбири дунёнинг кўпгина мамлакатларида маъқуллаб кутиб олинганлигини юксак қадрлайдилар ва АҚШ маъмуриятининг бу тадбирга салбий муносабатда бўлганлигидан таажжубланаётганликларини билдирадилар.

А. А. Громико ва В. И. Воротников ўртоқларнинг Канада ташқи ишлар министри Ж. Кларк билан олиб борган музокараларининг якунлари муҳокама қилинди. Бунда шу нарса қайд этиб ўтилдики, Совет Иттифоқи билан Канада ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техника соҳаларида ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бир қанча ташқи сиёсат проблемалари юзасидан ахборот айирбошлаш ва маслаҳатлашувлар муваффақиятли ривожланмоқда, иккала мамлакат халқларининг манфаатлари ва умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш манфаатлари йўлида ўзаро яхши қўшничилик муносабатларининг мана шу барча формаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг барқарор тенденциялари мавжуддир.

Ўртоқ А. А. Громикоининг Нидерландия ташқи ишлар министри Ван ден Брук билан ўтказган музокараларининг натижаларини муҳокама этиш чоғида ҳозирги халқаро вазиятда Ғарбий Европадаги бошқа бир қанча мамлакатлар каби Нидерландия ҳам Европада ўртача олисликка учириладиган ядро воситаларини жойлаштиришни тўхтатиш ва кейинчалик қисқартириш масалаларига вазмин реалистик ёндашувни намоён этган тақдирда ракета-ядро хавфини камайтиришда бир мунча конструктив роль ўйнай олган бўлиши қайд этиб ўтилди. Бу, жумладан, Вашингтоннинг Нидерландия территориясида ракеталарни жойлаштириш режаларига, айниқса, тааллуқлидир.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимиз ички турмуши ва халқаро сиёсатига оид бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«1941-1945 ЙИЛЛАР УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали таъсис этилсин.

2. «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

3. «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медалининг тасвири тасдиқлансин.

4. Ушбу Фармоннинг 1-моддасига мувофиқ:

СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 3 июль Фармони билан тасдиқланган Умумий низомнинг 17-моддаси (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1979 йил, № 28, 479-модда; 1982 йил, № 28, 537-модда) «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг ўттиз йиллиги» юбилей медали» сўзларидан кейин «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали» сўзлари билан тўлдирилсин;

СССР орденлари, медаллари, планкаларда орден лента-лари ва медаль лентала-рини ҳамда бошқа нишонларни тақиб юришнинг СССР Олий Совети Президиуми 1980 йил 28 март Фармони билан тасдиқланган қоидаларининг 4-бандининг иккинчи қисми ва 7-бандининг биринчи қисми (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1980 йил № 14, 261-модда; 1982 йил, № 28, 537-модда, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг ўттиз йиллиги» юбилей медали» сўзларидан кейин «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали» сўзлари билан тўлдирилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари

В. КУЗНЕЦОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.

1985 йил 12 апрель.

«1941-1945 ЙИЛЛАР УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали билан:

СССР Қуролли Кучлари сафларида Улуғ Ватан уруши фронтларидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган ҳарбий хизматчилар ва эркин ёлланма состав кишилари, Улуғ Ватан урушининг партизанлари, яширин шароитдаги иш қатнашчилари, шунингдек «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» ёки «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган бошқа кишилар;

Улуғ Ватан уруши йилларида СССР орденлари билан, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан, СССРнинг бошқа медаллари билан мукофотланган ёки «Ленинград мудофааси учун», «Москва мудофааси учун», «Одесса мудофааси учун», «Севастополь мудофааси учун», «Сталинград мудофааси учун», «Киев мудофааси учун», «Кавказ мудофааси учун», «Совет Заполярьеси мудофааси учун» медаллари билан мукофотланган мамлакат меҳнатчилари мукофотланадилар.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган кишиларга «Уруш қатнашчисига», учинчи қисмида кўрсатилган кишиларга эса «Меҳнат фронтининг қатнашчисига» сўзлари ёзилган юбилей медали топширилади.

2. «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали СССР Олий Совети Президиуми номидан:

СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшаган кишиларга — иттифоқдош республикалар, автоном республикаларнинг ҳарбий комиссариатлари, ўлка, область ҳарбий комиссариатлари, автоном областларнинг, автоном округларнинг ҳарбий комиссариатлари, район ва шаҳар ҳарбий комиссариатлари томонидан;

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети қўшинлари ва органларининг ҳарбий хизматчиларига, ишчилари ва хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий ходимлар ва бошлиқлар составидаги кишиларга — ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, муассасалар, идораларнинг бошлиқлари томонидан;

Мамлакат ички қисмидаги меҳнатчиларга, собиқ партизанларга ва яширин иш қатнашчиларига — иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари, халқ депутатлари ўлка, область Советларининг ижроия комитетлари, автоном областлар, автоном округлар халқ депутатлари Советларининг, халқ депутатлари район, шаҳар ва шаҳарлардаги район Советларининг ижроия комитетлари томонидан топширилади.

3. «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали кўкрагининг ўнг томонига тақилади, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг ўттиз йиллиги» юбилей медалидан кейин жойлаштирилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

«1941-1945 ЙИЛЛАР УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИ» ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИНГ

ТАСВИРИ

«1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медали жездан тайёрланади ва 32 миллиметр диаметрли тўғри доира шаклида бўлади.

Медалнинг ўнг томонида беш қиррали юлдуз, дафна шоҳи ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси шарафига байрам салюти оловлари фонида солдат, ишчи, колхозчи аёл ва Москва Кремлининг Спасск минораси скульптура группаси тасвирлари жойлаштирилган; юқори қисмида «1945» ва «1985» саналари ёзилган бўлади.

Медалнинг орқа томонига: юқори қисми кунгурасига «Уруш қатнашчисига» ёки «Меҳнат фронтининг қатнашчисига» сўзлари, ўртасига «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги» сўзлари, пастки қисмига ўроқ ва Болға ҳамда ленталар тасвири жойлаштирилади. Медалдаги ҳамма ёзувлар ва тасвирлар қабариқ бўлади. Медалнинг атрофига қабариқ ҳошия тортилган бўлади.

Медаль илгак ва ҳалқа ёрдамида бешбурчакли колодкачага уланади, колодкача устига учта ётиқ ингичка қора чизиқлар ва уларнинг орасида тўртта ингичка тўқ сариқ рангли чизиқ ва кенглиги 10 миллиметрли қизил рангли чизиқ тортилган 24 миллиметр кенгликдаги муҳайяр шойи лента қопланади. Лентанинг четлари ингичка кўк чизиқлар билан ҳошияланган бўлади.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

АЛБАНИЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Энвер Хўжа вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНАДИ

11 апрель куни Москвада шаҳар жамоатчилиги ва пойтахт гарнизони жангчилари вакилларининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг бош қўмондони — СССР мудофаа министрининг ўринбосари Авиация бош маршали А. И. Колдунов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ҳаво ҳужумидан мудофаа жангчилари СССР Қуролли Кучлари бошқа турларининг жангчилари билан, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари билан битта жанговар сафда туриб социализмнинг буюк ғалабаларини бундан буён ҳам пухта ҳимоя қилаверадилар, деб КПСС Марказий Комитетига ваъда бердилар.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Шарҳчи сатрлари

Милитаристик тайёргарликлар

Япония миллий мудофаа бошқармаси 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган навбатдаги ҳарбий программани ишлаб чиқишни тугалламоқда. Ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари потенциалини кескин ошириш, шунингдек ўт очиш қуввати ва мобиллигини кучайтириш мақсадида қуруқликдаги кучларни қайта ташкил этиш кўзда тутилмоқда. «Совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги уйдирманни баҳона қилиб Япониянинг энг шимолидаги ороли — Хоккайдога бу ерда жойлаштирилган тўртта дивизия учун оғир қуроллар, шу жумладан танкларни юбориш, оролда «ер-кема» классидаги ракеталарни жойлаштириш, қурол-яроғлар ва ўқ-дориларнинг стратегик запасларини вужудга келтириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда заправкачи самолётлардан фойдаланиш тўғрисидаги масала қараб чиқилмоқда.

Япония миллий мудофаа бошқармаси вакилларининг таъкидлашларига қараганда, бу программа бош министр Я. Накасонэнинг Японияга «душманни сув сарҳадига кирмасданоқ улоқтириб ташлаш» имконини берадиган ҳарбий потенциални вужудга келтириш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган. Киодо Цусин информация агентлиги кўрсатиб ўтганидек, Японияда бу «душманнинг» кимлиги тилга олинмаса-да, бу термин ишлатилган вақтда «одатда Совет Иттифоқи» кўзда тутилади.

Навбатдаги милитаристик тайёргарликлар программаси Вашингтоннинг бевосита талаби асосида ишлаб чиқилди. Қўшма Штатлар ўзининг Узоқ Шарқдаги иттифоқчиси қуролли кучларини АҚШ ҳарбий машинасининг ажралмас таркибий қисми деб билмоқда. Вакиллар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг Осиё ва Тинч океани ишлари бўйича кичик комиссияси раиси С. Соларзнинг таъкидлашига қараганда, «Япония ўз ҳарбий харажатларини ва потенциалини Узоқ Шарқдаги кўрфазларни тўсиб қўйиб, денгиз йўлларини ҳамиша очиқ сақлаш ва ўз территориясини ҳимоя қилишга қодир бўлиш учун қанча талаб қилинса шунча ошириши керак». АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер НАТО блоки мамлакатлари журналистларига берган интервьюсида ўзининг «кичик шеригия»нинг бундай жонбозлигини кўкларга кўтариб мақтаб, шундай деди: «Мен Японияга бир районда совет хавфи кучайиб бораётганлигининг характерини англаб олмоқда деган фикрдаман... Япония ўзининг ролини ва миниг миля масофадаги ороллари, ҳаво ва денгиз бўшлиқлари, денгиз йўлларини мудофаа қилиш, ўз-ўзини мудофаа қилишдаги ролини тушуниб турганлигини кўрсатди».

Бироқ японияликларнинг кўпчилиги мамлакатни бир бор ҳалокатга олиб келган ҳарбий тайёргарликлар сиёсатини рад этмоқда. Яқинда «Асаҳи» газетаси ўтказган жамоат фикрини билиш маълумотларига қараганда, шундай фикр билдирганларнинг 60 процентни ҳукуматнинг ҳарбий планларига қаршидир. Японияда ҳарбий тайёргарликлар кучайтирилаётганлигини Осиё халқлари ҳам ташвиш билан кузатмоқдалар. Улар иккинчи жаҳон уруши йилларида Япония ҳарбийлари қилган жиноятларни ҳали унутганлари йўқ.

А. БИРЮКОВ, ТАСС шарҳчиси.

СОВЕТ МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

ТУНИС, 12 апрель. (ТАСС). Тунисниинг энг катта савдо-саноат марказларидан бири — Сфакс шаҳрида Совет маданияти ҳафталиги очилди. Тунисликлар ўрта Осиё ва Закавказье совет республикалари халқларининг ҳаёти ва улар меҳнатда қўлга киритган муваффақиятлари билан, маданият ва санъатни ривожлантиришда эришган ютуқлари билан таниша оладилар. Программада «Ўрта Осиё бугунги кунда» фотовиставкасини, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон кинематографчилари яратган фильмларни намойиш қилиш кўзда тутилган. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган қаҳрамонона ғалабага бағишланган лента-ларга катта ўрин берилган.

Тунисниинг «Аксьон» газетаси СССР халқ артисти З. Хонларова иштирокидаги Озарбайжон давлат рақс ансамблининг концертини ҳафталикнинг чинакам кўрки бўлди, деб атади.

СУДАНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

ҚУВАЙТ. Судан Халқ қуролли кучлари бош қўмондони А. Р. Сивар ад-Дагаб «Ал Ватан ал-араби» газетасининг мухбири билан суҳбатда ўткинчи ҳарбий кенгаш программасини баён қилиб берди. Программада жумладан, кўп партияли системага қайтиш ва ҳокимиятни граждан-лар ҳукуматига топшириш, мамлакатнинг жанубидаги исёнчилар билан дарҳол музокара бошлаш, Суданнинг ички ишларига аралашиш мақсадидаги ҳар қандай уринишларга қатъий зарба бериш ва барча қўшни мамлакатлар билан яхши муносабатларда бўлиш ниятларини кўзда тутилади. (ТАСС).

Ажойиб насиҳатлар

Ҳикмат номи

● Қалб қудуғини ифлос сувлардан тозала, беҳуда ҳазилкашлик билан обрўйингни кўкка совурма, ҳар бир ишга жиддий қараш ақлли кишиларнинг одати, ўйинга берилиш болаларнинг ҳолати.

● Икки адоватли кишига кенг дунё тор.
Рубоий:
Икки ота бўлди тарафма-тараф,
«Тараф»лик ҳеч кимга келтирмади наф.
Улар экиб кетган низо уруғин,
Болалари йиғди алафма-алаф.

● Қўли торнинг юраги тор бўлади.

ОТА ҲИКОЯТИ

Бир донишманд ёшликда бирга ўқиган дўстини кўриб келиш учун борган эди. Қараса, дўсти хомуш бўлиб ўтирибди.

— Сенга нима бўлди? Кайфиятинг ёмон кўринади? — деб сўради ташвишланиб.

— Бунга ўғлим сабабчи!— деди тўлғаниб дўсти. — Оддий нарсаларга ҳам ақли етмайди, нодон бўлиб ўсяпти. Қўшнимнинг ўғли эса ақлли, кўп нарсани билади, ҳозир икковини синаб кўрган эдим, бунинг нодонлигини, унинг оқиллигини кўриб, жаҳлим чиқиб кетди!

— Бунга ўзинг сабабчисан, — деди донишманд. — Сен ўғлингдан эмас, ўзингдан хафа бўл. Чунки, ота-она қанча кўп билса, болалари ҳам шунча доно бўлади. Билимга интилган ота-она уйида ҳамиша илмдан суҳбат бўлади, болалар ўзлари тушунмаган ҳар қандай нарсани ота-онасидан сўраб билиб оладилар. Қани, айтчи, кейинги йилларда қандай китоб ўқидинг?

Ота индамади.

— Ана, кўрдингми, ўзинг ҳеч нарса ўқимасанг, янгиликлардан бехабар бўлсанг, боланг қандай доно бўлсин! Қўшнинг эса доимо илм олади, донолар суҳбатида бўлади. Мана, орадан тўрт йил ўтиптики, менинг олдимга бирор марта ҳам боргининг йўқ, мен эса ишим кўплигига қарамай, сени кўргани келдим.

Рубоий:
Тонгдан одамнинг занги кетади,
Сохта бўёғининг ранги кетади.
Чанг юқи бўлганда пўстакни қара,
Яхшилаб қоқишса чанги кетади.

— Ота боғбон бўлса, фарзанд мурғак ниҳолдир, — давом этди донишманд, — ниҳолнинг соғлом ўсиб, серҳосил мева бериши боғбонга боғлиқ. Шунинг учун ҳам боққа қарасанг боғ бўлади, қарамасанг янтоқ бўлади, дейишган. Агар болам доно бўлсин десанг мана бу шеърнинг мазмуни ҳамиша қулоғингда бўлсин:

Фарзанд мурғак ниҳол, ёнида ота,
Ниҳолни зарардан қилар ниҳота.
Она-чи танига суву қон бўлиб,
Оҳиста етаклар ширин ҳаётга.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.



Халқимиз «яхшидан боғ қолади», дейди. Бу бежиз эмас. Зотан саховатли инсонлар яратган боғдан унинг ўзигина эмас — бошқалар ҳам, фарзандларн, невараларн ҳам баҳраманд бўлади. Бундай боғлардан яна боғ унади. Уларнинг саховати авлодлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаб, энг яхши анъаналаримизни ҳамиша эъзозлаб келади.

СУРАТДА: шаҳримиздаги 1-босмахонанинг кекса матбаачиси, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, меҳнат ветерани Маҳамат ака Шарипов невараларн билан мевали дарахт кўчатларн ўтқазмоқда.

Т. Каримов фотоси.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● **МАКАРОННИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН!**

Италиянинг курорт шаҳри — Сан-Ремо яқинида жаҳонда ягона бўлган макаронлар музейи жойлашган. Бу ерга хаммрдан тайёрланган рецепти бўйича турли-туман, узунлиги ва формаси ранг-баранг бўлган юзлаб хил макарон хиллари қўйилган. Музей асосчиси Ванни Анезн деган кимса бўлиб, у макаронлар Италияда ихтиро қилинганлигини исботлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Ваҳоланки, шу пайтгача макаронларни тайёрлаш рецептини Хитойдан танишли саёҳатчи Марко Поло XIII асрнинг охирида олиб келган, деган фикр юрарди. Ванни Анезн ана шу фикрнинг нотўғрилигига асосий асос қилиб 1252 йил санаси қўйилган ҳужжатни (яъни Марко Полонинг Хитойга сафар қилгунигача бўлган даврдаги ҳужжатни) кўрсатмоқда. Бу ҳужжат Генуядаги архивлардан топилган. Бу ҳужжатда бир итальян солдатининг қуроллари ва шахсий буюмлари ҳақидаги ёзувлар билан бир қаторда унда макарон солинган битта халтача ҳам бўлганлиги қайд этилган экан...

● **НОДИР МУЗИКА АСБОБИ ТАЪМИРЛАНДИ**

Филиппин пойтахтига яқин бўлган шаҳарлардан бирида нодир музика асбоби сақланади. У 1822 йили 800 та бамбук найчаларидан ясалган. Утган асрнинг охирларида бу музика асбоби қаттиқ шикастланган эди. Бундан бир неча йил аввал эса филиппинлик мутахассис Марсиано Хассела уни таъмирлашга муваффақ бўлди.

● **«ЕТИМ» ҚОЛГАН ФИЛЛАР ҚУРИҚХОНАСИ**

Шри Ланка пойтахтидан 85 километр олисдаги Пиннавел деган жойда нодир қўриқхона жойлашган. Бу ерда турли сабабларга кўра ўз «ота-оналаридан айрилган, етим бўлиб қолган фил болаларни парваришлаб ўстирилади. Ҳозир қўриқхонада 18 та фил боласи бўлиб, беш киши уларга қараб турибди. Филларни бу ерга Шри Ланка ўрмон-зорларидан келтиришди.

Етим бўлиб қолган филларни парваришлаётган бу нодир жой жаҳондаги шунга ўхшаш ягона қўриқхонадир. Ўсимлик овқатларини ҳали тановул қилишни билмайдиган фил болаларини бу ердаги хизматчилар кунига беш маҳал сут билан боқмоқдалар. Агар жониворлар касалланиб қолгудек бўлса сутга дорилар қўшиб ичиришади. Инсон назорати остида катта бўлаётган филлар улар лақабини айтиб чақирганда қарайди, унчалик қийин бўлмаган буйруқни бажарадн. Филлар бир кунда иккн марта Маҳаой денгизига жўнатиб турилади. Бу ерда улар чўмиладн. Кўплаб туристлар эса ўзлари учун ғоят қизиқарли бўлган бу лавҳаларни суратга олиб қолишга ошиқишади.

● **АНТИҚА МУЗЕЙ**

Яқинда Францияда автомобилларнинг антиқа музейи очилди. У «Қуёш шоссеси» яқинидаги 5200 квадрат метр территорияга жойлашган. Бу ерга автомобилсозликнинг турли даврларига таалуқли бўлган 70 та машина қўйилган. Экспонатларн бир жойга мустаҳкам ўрнатиб қўйилган бошқа музейлардан фарқли ўлароқ бу автомобиль музейн экспонатларини ўрнидан жилдирнш мумкин. Яъни музейга ташрнф буюрган одам агар хоҳиши бўлса бу машиналарни ҳайдаб музей атрофидаги йўлда сайр қилиши мумкин.

● **ТЕСКАРИ ТОМОНГА ЮРАДИГАН СОАТ**

Швейцариянинг Романсхорн шаҳарчасидаги ресторанлардан бирндаги деворга ғалати соатлар осиб қўйилган. Соат милларн тескари томонга қараб ҳаракат қилади. Ресторан эгаларининг фикрича бу янгилик бу ерга келувчиларга хуш келади: ахир ичкилик ичганн келган одамнинг бундай жойдан асло эрта кетгиси келмайди-да!

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

13 АПРЕЛЬ, 1985 й.

• Умри боқий дўстлик

ОТАЛАР СЎЗИ

Афғонистонда ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» газетаси ўзбек халқ оғзаки ижодига катта аҳамият бериб келмоқда. Кейинги йилларда газета саҳифаларида «Адабиёт боғидан сайланган чечаклар», «Сўзвонлар» (Қўшиқлар) рубрикаси остида Афғонистонда яшовчи ўзбекларнинг қўшиқлари ва «Оталар сўзи» ҳамда «Халқ мақолларидан» рубрикаси остида эса халқ мақолларидан намуналар бериб келинмоқда. Ўйлаймизки, «Юлдуз» газетасининг бу хайрли иши умуман ўзвола этмоқдамиз.

бек халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Биз шу қўшиқ ва мақоллардан баъзиларини ҳурматли оқшомхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

ҚЎШИҚЛАР

Қўлимдаги узугим етар менга,
Дўстданам душман сўзи ўтар менга,
Соғ бўлинг, омон бўлинг, эй дўстларим,
Ҳар ерда овозангиз етар менга.

●


Янгажон, янга жамолизни кўрай,
Оғамга тиккан рўмолизни кўрай,
Оғамга тиккан рўмолиз бўлмаса,
Бўғча очинг созгоризни* кўрай.

МАҚОЛЛАР

● Тинчлик истасанг уруш эшигини қоқма.
● Элинг омон — ўзинг омон.
● Томчи сув бўлмас — душман эл бўлмас.
● Янтоқдан атир чиқмас — қўрқоқдан ботир чиқмас.
● Халқ иши — ҳақ иши.
● Дўст эшигини супур — душман эшигига боқма.
● Оловни кўзғасанг ўчар — ҳамсояни кўзғасанг кўчар.
● Ақлли иш — қанотли қуш.
● Илмли минг яшар — илмсиз бир яшар.
● Сабр ганж келтирар — сабрсизлик ранж.
● Ер қаттиқ бўлса — ҳўкиз ҳўкиздан кўрар.
● Тева оч қолса — жоҳозига ёпишар.
● Нон гадоси бўлсанг бўл — жой гадоси бўлма.
● Бола лой — она кулол.
● Хотин уйнинг чироғи.
● Қиш ўчоғи тор — тур уйингга бор.
● Жўжали товуқда дон йўқ.
● Усма кетар — қош қолар.
● Нав киссадан қарз қилма — қарз қилсанг ҳам харж қилма.
● Дардингни айтсанг ҳам — дард эшитасан.
● Уролмасни таёғи каттароқ.

А. ИСМОИЛОВ тўплаган.

* Созгор — бисот.



• Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидаги оғир жангларда қатнашган, кўксини қалқон қилиб, фашист ҳарбий машинасийлини тўсган совет жангчилари сафида, у вақтда эндигина йигирма баҳорни кўрган, Тошкент пиёдалар ҳарбий мактабини битирган ёш лейтенант, (ушбу суратда уни кўриб турибсиз, у 1941 йилда олинган сурат) ҳозирги кунда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомуҳамедов ҳам бор эди.

Қуйида олим ва шоир, Улуғ Ватан уруши ветерани Шоислом Шомуҳамедовнинг уруш йиллари ёзилган шеърларидан намуналар билан танишасиз.



Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ

ОНАМГА МАКТУБ

Одам қалби гулзорининг шоҳ гули она,
Одамзоднинг, соф дунёнинг жон-дили она.
Мен йўргакда, қўйнингизда меҳр тўкасиз
Ҳеч дард кўрмай соғлом ўссин, жоним болам деб.
Мен бешикда, сиз уйқусиз алла айтасиз,
Ухла қўзим, ором олгил, жоним болам деб.
Оқ сут таъмин тамшанарди ғунча дудоғим,
Сут эмас у, меҳрингиздан қайнар булоғим...
Мана энди кўп тўкилган қонларга келдим,
Душман разил, Ватан учун жангларга келдим.
Аямадим кучим борча урдим фашистни,
Тумшуғи қон, қилмиши қон, қутурган итни.
Яраландим малҳам бўлди Ватаним — онам.
Соғай дейди, сенга фидо жон-таним, онам.
Мактубингиз ҳар бир сўзи дурларнинг дури,
Қўлга олсам дилга тушар шифобахш нури.
«Тузал болам, — дейсиз менга, — тез қасдингни ол,
Вақтинчалик қўлдан чиққан ўз постингни ол!»
Шундай қилиб мактубингиз менинг дилимда,
Кўзимга нур оқ қоғози менинг қўлимда.
Шу қоғозни қучиб, ўпиб хайрлашаман,
Ажралолмай қайта ўқиб, хайрлашаман.
1941 йил, август, госпиталь.

ВАТАНПАРВАР ЙИГИТГА

Чин қалбимдан таҳсин ўқиб шеър битаман,
Абдураҳмон номли ватанпарварга атаб.
У сўрайди: «Жавоб бернг ёвни йитаман,
Дилда ғазаб ёнмоқдадир вулқондек тутаб.
Рухсат этинг мен ўзбекка, гувоҳим офтоб,
Қон-қариндош, оға-инларнн қутқарай.
Мен жангларда қилган ишлар бўлсин зўр китоб,
Сариқ вабо фашист — итдан қасос — ўч олай.
Фиғон дуди кўкка чиққан оналар учун,
Туғилмасдан гўрга кирган болалар учун,
Куйдирилган шаҳарлар-чун ўч олайин ман.
Бойқушларнинг маконига ўт солайин ман.
Рухсат этинг, жангга йўлланг, ўртоқ комиссар,
Онам сутини оқлолмасман чекинсам агар.
Рухсат этинг, қилич олиб, минайин отга,
Дўстлик кучин кўрсатайин у жирканч зотга!».
Рухсат келди, мард йигитнинг талаби қонди,
Жангга кетди, ёвга ғазаб кўзларда ёнди.

1942 йил.

ХАНДОН БЎЛИНГ

Бу баҳор айёмида гул-ғунчалар хандон бўлинг,
Куйла, чал созингни булбул, дўстларим, шодон бўлинг.
Кетди, дунёдин абад ул қарға, қузғун, зоғлар,
Қайтғуси мардлар бу кун, халқ, меҳрибон мезбон бўлинг.
Кетди севги душмани ҳижрон кўтармас энди бош,
Ер висоли чоғидир, қизлар юзи, ширмон бўлинг.
Гулла ўс, эй илм-санъат энди бўғмас ҳеч кишн,
Яллалар кўкка чиқиб, шодлик куйи чандон бўлинг.
Аммо беғамликка тушманг ҳур Ватаннинг шерларн,
Ҳийлаларга доимо ҳушёр бир посбон бўлинг.
Бу кураш ичра Шоисломдек кириб жавлон уриб,
Ҳиссасин қўшган йигитлар, энг азиз меҳмон бўлинг.

1945 йил, 9 Май.

ДАМ ОЛИШ КУНИ МАРШРУТЛАРИ

●

ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг бир группа ишчилари биринчи сменадан кейин дам олиб бўлгач, жума куни кечқурун янги маршрут билан Андижонга автобусда саёҳат қилишга жўнаб кетдилар. Корхона меҳнаткашларн шаҳар ва унинг атрофидаги диққатга сазовор жойлар билан таништадилар, ҳамкасбларн, халқ ҳунармандчилиги усталарн ҳузурида бўладилар.

Шу кунн Тошкентдан автобусга тушган сайёҳлар Самарқандга, Янгнобод, Фарғона, Ҳамзаободга, республиканинг бошқа шаҳарларига жўнаб кетдилар. «Дилором» махсус поездн Самарқанд ва Бухорога йўл олди.

Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина корхоналарининг ходимларн дам олиш кунлари самолётда мамлакатнинг турлн шаҳарларига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).



«Ҳурматли редакция! Биз таниқли хушовоз хонанда, СССР халқ артисти Жўрабек Муродов ижросидаги қўшиқларни катта завқ билан тинглаймиз. «Оқшомхонлар учун учрашув» рубрикаси остидаги суҳбатлардан бирида Жўрабек Муродов ижоди билан яқиндан танишсак, айни муддао бўлур эди.

Н. Раҳимова, Д. Орипова ва бошқалар.

Жўрабек МУРОДОВ: «ҚЎШИҚ—МЕНИНГ ҚАЛБИМ!»

Мухбиримиз М. Абдуллаев кўп сонли газетхонлар илтимосига биноан СССР халқ артисти, тожик давлат филармонияси ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари Жўрабек Муродовни оқшомхонлар билан учрашувга лутфан таклиф этди.

— Ҳурматли Жўрабек Муродович, Сиз раҳбарлик қилаётган ансамбль Ўзбекистон пойтахтида кўп бор концертлар берган, дўстлик байрамларида иштирок этган. Шундай байрамлардан бирида «Тошкент оқшоми» редакцияси меҳмони бўлиб, ижодий йўлингиз, янги режаларингиз билан ўртоқлашган эдингиз. Ўтган давр мобайнида ижодингизда қандай янгиликлар бўлди? Суҳбатимизни ана шундан бошласак.

— Аввалом бор, барча тошкентликлар, оқшомхонларга тожикистонлик дўстлари номидан катта салом етказмоқчиман. Ижодимдаги янгиликларга келсак шуни айтмоқчиманки, ҳар қандай ҳофиз, санъаткор ҳамиша изланмаса, ўз санъатини халқининг маънавий эҳтиёжларига монанд камолга етказиб бормаса, ўзини ва бошқаларни такрорлашдан нарига ўтмайди. Мен ўз ижодий изланишларимда доимо ана шу принципга амал қиламан. Зотан яхши қўшиқ менинг қалбимдир. Яқинда репертуаримдаги юз ашула ноталари билан китоб ҳолида нашр этилди. Унда классик қўшиқлар билан бирга, замонавий ашулалар, қардош халқларнинг қўшиқлари бор. Бундан ташқари, «Ушшоқ» оҳанглари йўлида Лойиқ шеъри билан айтиладиган янги бир қўшиқни машқ қилиб санъат мухлисларига ҳавола этдим.

— Мухлисларингиз Сизни катта санъаткор, уста ҳофиз сифатида беҳад қадрлашади. Шунинг учун ҳам уларни Сизнинг бугунги эстрада ва рақс санъатидаги тенденцияларга муносабатингиз ҳам қизиқтириши табиий...

— Ўзбек ва тожик халқларининг музика, қўшиқчилик ва рақс санъатида кўпгина муштарак жиҳатлар бор. Ўзбекча музикадан завқ олмаган тожикни, ёки тожикча ашула тинглаб рақсга тушмаган ўзбекни топиш қийин. Шу боисдан мен бу икки бир-бирига дўст ва биродар, қондош ва жондош халқ санъатини бир гўзал олманинг икки палласига ўхшатгим келади. Бундай ўзаро ўхшашлик эндиликда эстрада санъати ривожида ҳам намоён бўлмоқда, десам хато қилмаган бўламан. Шу сабабли менинг фикрларим ҳар икки халқ санъатига ҳам тегишлидир. Тўғри, эстрада санъати тез ривожланяпти. Буни «Ялла», «Гулшан», «Садо» сингари эстрада коллективлари жуда машҳур бўлиб кетганлигидан ҳам билиш мумкин. Лекин менинг назаримда ҳар бир эстрада коллективи ўз репертуарини халқ анъаналарига таянган ҳолда бойитиб бориши зарур. Бу ўринда «Ялла»нинг айрим номерлари диққатга сазовор...

Рақс санъати ҳақида гапирганда эса мен ўзбек классик ва замонавий рақсларининг тёран мазмуни, жозибаси ва нафосатини беҳад қадрлашимиз таъкидламоқчи м а н. Санъатнинг бошқа турлари сингари рақс санъатида ҳам халқимиз яратган усулларга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишимиз зарур. Баъзан саҳнада худди аёлларга ўхшаб рақс тушаётган эркак рақсларни кўриб қолиш мумкин. Мен эркакларга рақс тушиш ярашмайди, демоқчимасман. Ўзбек ва тожикларнинг тўйларига бир бориб кўринг-а, эркаклар қандай мардона рақслар ижро этиши мумкинлигидан ҳайратга тушасиз. Бу рақсларни ҳеч ким ўйлаб чиқарган эмас. Улар қадим-қадимдан бор ва бундан кейин ҳам бўлади.

— Ёш санъаткорларга қандай тилак билдиришни истардингиз?

— Энг аввало, ҳар қандай санъаткор камтар бўлиши шарт. Илгари айтилган қўшиқлар ёки бошқаларнинг тўрт-беш ашуласини ўрганиб олиб, қўлида тор ушлаган ҳар қандай ижрочи санъаткор бўлиб қолавермайди. Санъаткор у маданият соҳиби, юксак маданиятли, илмли ва айни пайтда халқ санъатининг қадрига ета оладиган бўлмоғи лозим. Ў халқига беминнат хизмат қила билса, халқ уни эъзозлайди, шарафлайди. Лекин арзимас ютуқ ва қарсаклардан ҳаволаниб кетган ҳофиз узоққа бора олмаслигини ёш санъаткор билиб қўйиши шарт. Биз ижрочилар олдида турган энг муҳим проблемалардан бири ҳам санъаткор маданиятини ошириш масаласидир. Яна энг муҳими у яшовчан анъаналарни давом эттира олсин, ўзи яратган бадиий баркамол қўшиқлар билан санъатимизни бойитсин, чунки яхши қўшиқлар ҳаётимиз кўрки ва нақшидир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун Сизга ташаккур.

— Мен ҳам ўз навбатида оқшомхонлар билан учрашувдан мамнун эканлигимни қуйидаги дастхатим орқали ифода этмоқчиман:



«Тошкент оқшоми» газетхонларига!
Аз қадим ториху-ўзбек эт билан тирнақ эрур.
Жўрабек Муродов.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

●

Портфелда... ҳаммом

Портфелда ҳам ҳаммом бўлиши мумкинми, дейишингиз мумкин. Ҳайратланганингизча бор. Аммо, шундай ҳаммом шу йил Москвада ташкил этилган ёшларнинг фан-техника ижодкорлари кўргазмасида намойиш этилди. Портфелда жойлашадиган бу ҳаммом ихчамлиги ва ҳар жойда ҳозиру-нозирлиги билан ажралиб туради. У қоп шаклда бўлиб, сунъий материаллардан ишланган. Ҳаммомнинг оғирлиги беш килограмм келади. Пар берадиган кичик хоначага тепловентилятор ўрнатилган. У ҳаммомни 70—90 градусли иссиқ ҳаво билан таъминлайди. Бу кўпинча походда юрувчиларга, геолог ва археологларга, сайёҳларга жуда қўл келади. Ундан исталган жойда фойдаланиш мумкин.

Автомобилларнинг энг улкани

Энг кўп юк ташувчи машина яратилди. Унинг 228 та ғилдираги бор. Машинанинг оғирлиги 306 тонна бўлиб, тўртта дизель двигатели билан ҳаракатланади. Бу гигант автомобиль умумий оғирлиги 1900 тонна келадиган бутун бир саноат ускуналарини, улкан қурилиш блокларини кўзланган жойга етказиши мумкин.

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинарининг тингловчилари диққатига.

15 апрель 18.30 да Билимлар уйида «СССРнинг ривожланган капиталистик мамлакатлар (АҚШ, Япония, ГФР, Франция) билан ҳалқаро иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари» мавзуида лекция бўлади. Лектор— иқтисод фанлари кандидати Н. Н. Юсупов.

• РАССОМ ТАБАССУМИ



— Мана, икки йилда романимни ёзиб тугатдим.
— Мен эса бу вақт ичида данғиллама уйли, машинали бўлиб олдим.

— Яхши қиз, инсоф борми, ахир бир соатдан бери кутиб ўтирибман.
— Ҳеч ким сизни кутиб ўтирсин деганн йўқ, кетишингиз мумкин, ана катта кўча.

— Дада, менга мақолам учун газета гонорар юборибди.
— Унда вақтни ўтказмайлик, ювиш керак, ўша гонорарни.

— Мана ол, ўйинчоқларнн. Яна уйингга бориб чақиб юрма, ўйинчоқларни бермадн, деб.

Ш. Субҳонов расмлари.

Р— 12193. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А.—2585.